



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 11 - Iyul

440 -son

Bog‘ot shaharchasi

Тумандаги “Хамза Мардон” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига қайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, “Хамза Мардон” фермер хўжалиги бошлиғи Х.Хўжаниязовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига қайтариб олишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгашининг хулосасини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги “Хамза Мардон” фермер хўжалиги бошлиғи Х.Хўжаниязовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган сўровномасини инобатга олиб “Хамза Мардон” фермер хўжалиги раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Амударё худудидаги “Хамза Мардон” фермер хўжалигига ижарага ажратиб берилган 492, 493, 494, 495, 496, 517, 518, 519, 520, 522, 524, 525, 526, 529, 530, 531, 532, 533, 534, 535, 536, 537, 538, 539, 540, 542, 544, 545, 546, 547, 575, 593, 521к, 523к - контурлардаги жами 119,0 гектар, шундан 108,1 гектар экин ери, 6,0 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,2 гектар йўллар остидаги, 0,1 гектар қурилиш остидаги, 4,6 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер майдони туман ер захира фондига қайтарилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев) Амударё худудидаги “Хамза Мардон” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларини қонунда белгиланган тартибда туман ер захира фондига қайтарилишини таъминласин.


4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Амударё худудидан туман ер захира фондига қайтариб олинган ер майдони танловга қўйилсин.

5. Туманда фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси (Э.Худайбергенов)га туман ер захира фондига қайтариб олинган ер участкаси бўйича белгиланган тартибда танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев